DOI: 10.47980/TLOI/2020/4/14

АРАБ ТИЛИДАГИ ТУРЛАНМАЙДИГАН СЎЗЛАРНИНГ БЕЛГИ- ХУСУСИЯТЛАРИ

ПРИЗНАКИ И СВОЙСТВА НЕСПРЯГАЕМЫХ СЛОВ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

THE SIGNS AND FEATURES OF ARABIC NON-DECLINABLE WORDS

Malika NASIROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy PhD. Chair of the Uzbek language and classical oriental literature.
m.nasirova@iiau.uz
11,A.Kadiri, Tashkent,100011. Uzbekistan

АННОТАЦИЯ: Ўрта аср араб тилшунослари ўз асарларини анъанавий тарзда флексия масаласи билан бошлаганлар. Сўзнинг гапдаги вазифасини, ташиб турган маъносини белгилаб берувчи бош омил уларнинг келишиклари ҳисобланади.

Ушбу мақолада араб тилида мавжуд бўлган учта келишикнинг ўз белги (ҳаракати) натижасида сўзнинг келишикларда бўла олиш имконияти унинг “тўлиқ”, “тўлиқ эмас” ёки “турланмайдиган” деган категорияларга ажратилишига оид ҳолатлар тадқиқ этилган. Гап таркибида келаётган сўз охирининг ҳаракати бирор [таъсир қилувчи] омил туфайли ўзгариши ёки [таъсир қилувчи] омиллар ўзгарса ҳам уларнинг охири ўзгармаслиги мумкин. Буларнинг биринчиси “муъроб”, яъни “турланиш” деб аталади ва иккинчиси “мабний”, яъни “турланмаслик” деб аталади. Омиллар таъсирида [сўз охиридаги] ўзгариш “эъроб”, яъни флексия деб аталади, омиллар таъсирида ўзгармаслик эса “бино”, яъни “келишикларда ўзгармаслик” дейилади.

Эъроб – сўз охирида таъсир қилувчи омил ифодалайдиган белгидир. Сўзнинг охири шу омилнинг таъсири натижасида марфуъ [дамма-бош келишик], мансуб [фатҳа –тушум келишиги], мажрур [касра –қаратқич келишиги] ёки жазм [сукун- шарт майлида] бўлиши мумкин. Тилшунослар флексия бўйича турланмайдиган сўзларни охирига қўйиладиган ҳаракатларга кўра дамма, фатҳа, касра ва сукун турларини фарқлайдилар.

Араб тилшунослари сўзларни келишикда ўзгаришига кўра икки гуруҳга: мабний ва муъроб сўзларга ажратиб ўрганадилар. Агар сўз бошқа бир сўзга боғлиқ бўлса ёки ўзидан аввал бирор бир омил келса-ю, у ўз келишик кўринишини ўзгартирмаса (яъни сўзнинг охирги ҳаракати ўзгармаса) бундай сўзлар мабний дейилади ва улар умуман ўзгармайдиган сўзлардир.

Турланмайдиган сўзларга барча юкламалар, ўтган замон феъли, феълнинг буйруқ майли, таъкид нуни ёки муаннаслик нуни бирикиб келган феъл ва баъзи исмлар киради. Феъллар ва юкламалар асли турланмасдир.

Шуни таъкидлаш керакки, ёрдамчи сўзлар эҳтиёж бўлмагани учун турланмайди. Чунки асосий таркибий маъно бўлгандагина турланишга эҳтиёж бўлади. Ёрдамчи сўзларнинг ёлғиз ўзи эса ҳеч қачон маъно англатмайди. Мақолада юқоридаги масалалар ўрганилиб, грамматик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар*: флексия, турланмайдиган сўзлар, феъл, юклама, исм, келишик, таъсир этувчи омил.*

АННОТАЦИЯ: Средневековые арабские лингвисты традиционно начинали свои труды с вопросов о флексии. Основным фактором, определяющим функцию слова в предложении и значение, которое оно несет, является их падеж. Хорошо известно, что (показателями) трех падежей, существующих в арабском языке, являются специальные диакритические знаки - «харакаты”. В зависимости от способности слов меняться или не меняться по падежам их можно подразделять на такие категории как как «полностью склоняемые», « склоняемые неполно» или «несклоняемые». Окончание слова в предложении может измениться из-за [влияющего] фактора, или даже если [влияющие] факторы изменятся, их окончание может не измениться. Первый из них называется «муъраб», что означает «склоняемое (спрягаемое)», а второй –«мабни», что означает «неизменность, несклоняемость». Изменение под влиянием факторов [в конце слова] называется «иъраб», то есть флексия, а не изменяемость под влиянием факторов - «бинаа», то есть «несклоняемость по падежам». «Иъраб» - это знак, который представляет собой фактор влияния в конце слова. Окончание слова в результате этого фактора может быть марфуъ [оканчивается на дамму-именительный падеж], мансуб [оканчивается на фатху-винительный падеж], маджрур [оканчивается на касру- родительный падеж] или джазм [оканчивается на сукун-условное наклонение]. Лингвисты различают типы дамма, фатха, касра и сукун в соответствии с харакатами в конце несклоняемых слов. Арабские лингвисты изучают слова, разделяя их на две группы в соответствии с падежным изменением: это - слова «мабни» и «му’раб». Если слово связано с другим словом или же ему предшествует действующий фактор, no оно не меняет свое падежное окончание (то есть последняя огласовка слова не меняется), такие слова называются «мабни».

К неизменяемым (несклоняемым) словам относятся все вспомогательные части речи, глагол в прошедшем времени, глагол в повелительном наклонении, глагол, к которому присоединяется утвердительный «нун» или глагол с окончанием «нун»а женского рода и некоторые другие существительные. Глаголы и вспомогательные части речи изначально являются неизменяемыми.

Следует отметить, что вспомогательные слова не меняются по падежам из-за отсутствия необходимости в этом. Спряжение необходимо только тогда, когда есть базовый структурный смысл. Вспомогательные слова сами по себе никогда не имеют смыслового значения.

Ключевые слова: *словоизменение, несклоняемые слова, глагол, предлог, существительное, падеж, влияющий фактор.*

ABSTRACT: Medieval Arab linguists traditionally began their scientific works with questions of inflection [declension]. Case inflection is the main factor that determines the word's grammatical function in a sentence and the meaning that it carries. It is well known that there are three cases in the Arabic language with special diacritical markings (تالكرح Harakaat). The ability of a word to have a particular case leads to its categorization as "complete", "incomplete" or "non-declining". The endings of a word in a sentence may change due to the [influencing] factor, or even if the [influencing] factors change, their ending may not change. The first of them is called «mu'rab» which means «declension (conjugation)» and the second – "mabniy" which means "immutability, non-inflection". Change under the influence of factors [at the end of the word] is called "i'rab" (that is inflection) and non-change under the influence of factors is called "bino" (that is «non-inflection in cases). "I'rab" is a marking that represents an influence factor at the end of a word. The ending of a word as a result of this factor can be "marfuu' " [damma-nominative], "mansuub" [fatha-accusative], "majruur" [cassative] or "jazm" [sukun-conditional]. Linguists identify the types of "damma", "fatha", "kasra" and "sukun" according to the movements at the end of non- declining words. Arab linguists study words by dividing them into two groups in accordance with the case change: these are the words "mabni" and "mu'rab". If a word is associated with another word or an active factor precedes it but it does not change its case ending (the last pronunciation of the word does not change) such words are called "mabni" and these words do not change at all.

Non-declining words include all prepositions, the past tense verb, the imperative mood of the verb, the verb to which the affirmative "nun" is attached or the verb with the ending feminine "nun" and some nouns. Verbs and prepositions do not change initially.

It should be noted that the auxiliary words are not changed because there is no need for that. Conjugation is only necessary when there is a basic structural meaning. Auxiliary words by themselves never make sense (semantic meaning)

Keywords: *inflection, non-declining words, verb, preposition, noun, case, influencing factor.*

КИРИШ

Абулқосим Маҳмуд бин Умар бин Аҳмад Замахшарий етук олим сифатида ўз асарлари билан бир қанча илмларнинг назарий асосларини яратиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, унинг "Ал-Муфассал фи санъати-л-иъраб" асари араб тили грамматикасига бағишланган бўлиб, унинг синтаксиси масаласи асарнинг исм бобида "المعرب الأسم– Турланадиган исмлар" мавзусида баён қилинган. Асарда даставвал турланиш – флексия масаласи муфассал ёритилган. Чунки гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлакларининг ўзаро муносабатлари флексия ёрдамида ифодаланади. Шунинг учун араб тилшунослари аввал исмларда уларнинг қўлланилиш қоидаларини, яъни қандай ҳолатларда исм бош келишикда, қачон қаратқич ва тушум келишикларида бўлишини таҳлил қиладилар" *(Girgas,V.,1873:83).*

М.Замахшарийнинг фикрига кўра, эъроб ҳодисаси сўз охирининг маълум сабабларга кўра лафзий ва тақдирий ўзгариши ҳисобланади *(Zamakhshariy,Mahmud., 2012:20).* Аллома сўз охиридаги ўзгаришларни таърифлаш билан ўз асарини бошлайди. Араб тили грамматикасига бағишланган асарларнинг аксарияти эъроб масаласи билан бошланади. Асосий урғу сўзларнинг флексиясига қаратилади. Бу бежизга эмас. Чунки араб тили грамматикасининг асосини эъроб ташкил қилади *(Nasirova, Malika., 2006:21 ; Qosimova, Sarvinoz.,2010:3-7).*

Гап таркибида келаётган сўз охирининг ҳаракати бирор [таъсир қилувчи] омил туфайли ўзгариши ёки [таъсир қилувчи] омиллар ўзгарса ҳам уларнинг охири ўзгармаслиги мумкин. Буларнинг биринчиси "муъроб", яъни "турланиш" деб аталади ва иккинчиси "мабний", яъни "турланмаслик" деб аталади. Омиллар таъсирида [сўз охиридаги] ўзгариш "эъроб", яъни флексия деб аталади, омиллар таъсирида ўзгармаслик эса "бино", яъни "келишикларда ўзгармаслик" дейилади.

Маълумки, араб тилшунослари сўзларни келишикда ўзгаришига кўра икки гуруҳга: *мабний* ва *муъроб* сўзларга ажратиб ўрганадилар. Агар сўз бошқа бир сўзга боғлиқ бўлса ёки ўзидан аввал бирор бир омил келса-ю, у ўз келишик кўринишини ўзгартирмаса (яъни сўзнинг охирги ҳаракати ўзгармаса) бундай сўзлар *мабний* дейилади ва улар умуман ўзгармайдиган сўзлардир. Акси бўлган сўзлар "*муъроб"* дейилади. Муъроб сўзлар морфологик жиҳатдан ўзгариб туради ва янги грамматик маъноларни англатади *(Belkin,V.,1961:18).* Тилшунослар флексия бўйича турланмайдиган сўзларни охирига қўйиладиган ҳаракатларга кўра дамма, фатҳа, касра ва сукун турларини фарқлайдилар.

Эъроб – сўз охирида таъсир қилувчи омил ифодалайдиган белгидир. Сўзнинг охири шу омилнинг таъсири натижасида марфуъ [дамма-бош келишик], мансуб [фатҳа –тушум келишиги], мажрур [касра –қаратқич келишиги] ёки жазм [сукун- шарт майлида] бўлиши мумкин.

УСЛУБЛАР

Ушбу мақола тадқиқ этилаётган араб тили грамматикасида турланмайдиган сўзларнинг белги-хусусиятлари, уларнинг турланмаслик сабаблари таққослаш, анализ, синтез методлари асосида

таҳлил қилинган. XI асрда араб тилининг назарий грамматикасини такомилаштирган мавароуннаҳрлик буюк тилшунос олим Маҳмуд Замахшарий “Ал-Муфассал фи санъати-л-иъраб” асарида келтирган эъроб, муъраб ва мабний тушунчаларини ёритишдаги ўрни қиёсий усул орқали кўрсатиб берилган.

ТАҲЛИЛ
Турланмайдиган сўзларнинг белгилари

Турланмаслик, яъни “бино” - сўзнинг охири, ундан олдин турган омил-лар ўзгарса ҳам, битта ҳолатни ўзига лозим тутган бўлади. Бундай сўзга ўзгартирувчи омиллар таъсир қилмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек “эъроб” деб сўздан олдин турган омилларнинг ўзгариши сабаби билан сўз охирининг ўзгаришига айтилади *(G’alayiyniy, Mustafo., 2002:28*). Масалан:

السماءُ، الأرضُ، الرجلُ، يكتبُ

السَّماءُ صَافِية - Осмон мусаффо

نَظَرتُ الي السَّماءِ - Осмонга қарадим

الأَرضُ واسِع - Ер кенг

سَقَطَ عَلي الأَرض - Ерга тушди

جَاءَ الرَّجُلُ - Киши келди

سَلَّمْتُ علي الرَّجُلِ - Кишига салом бердим

Келтирилган бу мисолларга қарайдиган бўлсак, битта сўз иккита гапда икки хил ҳаракат билан келяпти, бунинг сабаби улардан олдин келаётган таъсир қилувчи омилдир.

Турланувчи сўзлар жумласига “муаннас жинснинг нуни” ва “таъкид нуни” қўшилмаган ҳозирги - келаси замон феъли ва аксар исмлар киради. Агар сўзнинг охири таъсир қилувчи омиллар натижасида ҳам ўзгармаса, бундай сўзларга “турланмайдиган исмлар” дейилади. Бу сўзлардан олдин келган омиллар ўзгарса ҳам уларнинг охиридаги ҳаракати ўзгармайди. Масалан:

نحو:هذِهِ، أينَ، منْ، كتبَ، اكتبْ

هَذِهِ الطَالبةُ مُجْتَهِدَة - Бу талаба қиз тиришқоқ

سَلَّمْتُ علي هَذِهِ الطَّلِبَةِ - Бу талабага салом бердим

أينَ الكِتَابُ؟ - Китоб қаерда?

الي أينَ تَذْهَبُ؟ - Қаерга кетяпсан?

Бу гаплардаги هَذِهِ ва أينَ сўзларини оладиган бўлсак, улардан олдин таъсир қилувчи омил [علي ва الي предлоглари] келса ҳам, уларнинг эъроби ўзгармасдан турибти. Шунинг учун бу сўзларни “турланмайдиган исмлар” дейилади.

Турланмайдиган исмларга барча юкламалар, ўтган замон феъли, феълнинг буйруқ майли, таъкид нуни ёки муаннаслик нуни бирикиб келган феъл ва баъзи исмлар киради. Феъллар ва юкламалар асли “мабний”, яъни турланмасдир. Исмларнинг асли эса “муъроб”, яъни турланувчидир. *(Abbas, Hasan., 2004: 60)*

Қуйида мисоллар келтириб, уларни таҳлил қиламиз:

طلع الهلالُ - Янги ой чиқди.

شاهد الناسُ الهلالَ - Инсонлар янги ойни кўришди.

فرح القومُ بالهلالِ - Қавм янги ой (чиқиши) билан хурсанд бўлди.

يكثر الندى شتا - Қишда намлик кўпаяди.

يمتصُ النباتُ الندى - Ўсимлик намликни шимиб олади.

يرتوي بعض النباتِ بالندى - Баъзи ўсимликлар намлик билан суғорилади.

زاد هؤلاءِ يتكلمون - Буларнинг илми кўпайди.

أصغيت إلي هؤلاء - Буларнинг гапига қулоқ тутдим.

Биринчи қисмдаги мисолларни таҳлил қиладиган бўлсак, الهلالُ сўзининг охиридаги ҳаракати турлича келган. 1-гапда дамма [бош келишикд]) бўлиб, 2-гапда фатҳа [тушум келишигида] бўлиб, 3-гапда эса касра [қаратқич келишигида] бўлиб келган, бу турлиликнинг сабаби нимада? Унинг сабаби шуки, ҳар бир гапда унинг ҳаракатини ўзгартирувчи сабаб, яъни таъсир қилувчи омил бор ва у الهلالُ сўзига гапдаги ҳақиқий маънони бериш учун хизмат қилади. Бу маъно жумладаги сабабларнинг ўзгариши билан ўзгариб боради ва ҳар бир ҳолатда сўзнинг охири ўзига хос ҳаракат билан ифодаланади. Биринчи жумлада الهلالُ сўзи, унга таъсир қилувчи омил борлиги сабаб у бош келишикда турибди ва у طلع феълидир, яъни кесим ва у албатта фоъил, яъни эгани талаб қилади. Эга эса унинг охиридаги аломатини белгилайди ва бу аломат бош келишик, яъни даммадир.

Иккинчи жумлада الهلالُ сўзи бошқа турдаги таъсир қилувчи сабаб борлиги учун тушум келишигида бўлди. У شاهد феълидир ва унинг фоъили, яъни эгаси الناسُ сўзидир. Лекин у эга феъли унга тушадиган нарсанинг баёнига эҳтиёж сезади ва у тилшуносликда кўпинча المفعول به , яъни воситасиз тўлдирувчи деб номланади. المفعول به нинг охири ўзига хос ҳаракат билан ифодаланади. Бу ҳаракат фатҳа (тушум келишиги) дир.

Учинчи жумлада الهلالُ сўзи юқоридаги икки гапга қарама қарши сабаб борлиги учун қаратқич келишигида бўлди ва у الباء предлогидир. У билан қаратқич келишигида бўлиш учун у ўша сўзга эҳтиёж сезади. Феъл у иккаласи билан аниқ бўлиб туради ва унинг қаратқич келишигининг белгиси касра ҳаракати билан бўлади.

Кўриб турибмизки, юқоридаги учта гапда талаб қилинган маънога кўра эга, тўлдирувчи ва кесимлик вазифасига кўра сабаблар ўзгарди. Ва ҳар бир ҳолатда الهلالُ сўзининг ҳаракати ўзгариб борди. Юқоридаги ҳаракатнинг ўзгариши الإعراب деб номланади ва ундаги сабаб العامل деб аталади *(Abbas, Hasan., 2004: 17).*

الإعراب – лафз ичидаги омилларнинг ўзгариши сабабли уларнинг охиридаги белгининг ўзгаришидир. Фойдаси: албатта у эга, тўлдирувчи ва улардан бошқа гап бўлакларидаги муайян маънонинг белги-

сидир. Агар у, яъни белги (ҳаракат) бўлмаса маъно чигаллашиб кетади. Мана шундай муайян маъно ифодалашдек энг катта хусусияти билан бирга ғоятда мўъжаздир.

Унинг қисқалигида белгисини ифодалайдиган муайян маънога далолат қиладиган бошқа нарсани тенглаштирмайди ва бу унинг кейинги хусусиятидир.

المعرب – гап таркибида ҳаракатлар билан турланадиган сўздир, яъни юқорида айтиб ўтган ўзгаришдир *(Abu Bakr Ali Abd al-Alim., 2002:34).*

العامل – лафзга таъсир қилувчи бўлиб, эга, тўлдирувчи ва гапнниг бошқа бўлакларига хос маънонинг белгисини ифодалайдиган эъробий аломатлар ундан келиб чиқади. Бу белгилар кўриниб турадими ёки тақдирида бор деб ҳисобланадими, бунинг ҳеч қандай фарқ йўқ. Албатта эъробнинг далили унинг бирлигидир. Сўз охирининг белгиси сўзни иккилик ва кўплик сонга қўйганда ўзгаради ва айтиладики:

1) تراكم النديان

2) و إمتص النباتُ النديين

3) و إرتوي من النديين *(Fyad,Ne'mat., 1973:48)*

Учинчи қисмдаги мисолларга келсак, ундаги هؤلاء –сўзи омиллар ўзгарса ҳам унинг охиридаги белгиси ўзгармади. Балки барча жумлада унинг охиридаги ҳаракати бир хил бўлиб қолган. Бу собитлик ва ўзгармаслик بناء – деб номланади. У барча ўринларда, ҳатто омиллар ўзгарса ҳам, лафзнинг охири битта белгини лозим тутган бўлади.

المبني – унга البناء кирган лафздир. Буни билиб олдик. Албатта турланадиган сўз муъроб, яъни уч келишикли флексия бўйича ўзгарувчи деб номланади. Турланмайдиган сўз эса фақат флексия бўйича ўзгармас деб номланади. المبني – эса флексия бўйича ўзгармайдиган деб номланади. Сўз фақат жумла таркибига киргандан кейингина "турланмайдиган" ёки "турланадиган" деб таърифланади (*(G'alayiyniy, Mustafo., 2002: 35*).

Исмлар, феъллар ва ҳарф, яъни ёрдамчи сўзлар туркумидаги турланадиган ва турланмайдиган сўзларни кўриб чиқсак :

I. Ёрдамчи сўзларнинг барчаси турланмайдиган сўзлардир. Чунки ёрдамчи сўзларнинг ёлғиз ўзи маъно билдирмайди, балки жумла таркибида келгандан кейин бошқаси билан бирикиб, маълум бир маънога далолат қилади. Агар маъно бўлмаса, бир нарса қилганига ёки унинг устига феъл тушганлигига нисбат бермайди. Унинг ўзи кесим, эга ёки тўлдирувчи бўлмайди. Маъно учун битта ўзи қўшимча қилувчи бўлмайди (яъни от кесимли гапнинг эгаси, ёки от, ёки от - кесим бўлмайди) *(Ibrohimov,N., Yusupov, M., 2009:105)* .

Юқоридагилардан маълум бўлдики, эҳтиёж бўлмагани учун ёрдамчи сўзлар турланмайди. Чунки асосий таркибий маъно бўлгандагина турланишга эҳтиёж бўлади. Ёрдамчи сўзларнинг ёлғиз ўзи эса ҳеч қачон маъно англатмайди. Лекин ҳарф, яъни ёрдамчи сўз жумла таркибига қўйилганда бошқа сўз билан бирикиб жузъий маънони беради. Мисол учун ёрдамчи сўзларнинг баъзилари бошланишлик ва бўлакларга ажратиш каби маъноларда келиши мумкин. Бу жузъий маъно ҳарфни эгаллаб олади ва кетма - кет алмашиб туради, лекин унинг орасини турланиш билан ажратиб бўлмайди. Фақат жумла ўз ичига олган маънавий шарт - шароитлар билан бўлади.

II. Исмлар турланишга мос келади ва бу унинг асли. Чунки исм[1] мустақил маънога эга. Бу эса номланган нарсага далолат қилади. (яъни, ҳис қилинадиган ёки ақлий идрок қилинадиган нарса, шунинг учун уни "исм" деб номлаймиз). Исмнинг феъл кесими бўлиши мумкин, ва исм унга эга бўлади. Агар феъл бирор бир исмни бошқариб келса, у тўлдирувчи бўлади. Баъзида эса эга ва тўлдирувчидан бошқа маънони ҳам билдиради. Бу маъноларнинг ҳар бири сўз охирида ўзига хос белги, ҳаракатни тақозо қилади ва бу ҳаракат уни бошқа маънодан ажратиб туради. Сабаблар ва маънонинг ўзгариши билан бирга исмнинг охиридаги белгиси ҳам ўзгариши лозим бўлади. Бу турли хил омиллар билан бошқариш баён қилинган маънога далолат қилгани учун уни "турланиш" деб номлашимиз тўғри бўлади *(Ibrohimov,N., Yusupov, M., 2009:106)* .

Кам миқдорни билдирадиган сўзлар турланмайдиган сўзлардир. Турланмайдиган сўзларнинг энг машҳури ўн хил бўлиб, улар қуйидагилар:

Олмошлар, бир ҳижойи ҳарф устига қўйилган олмош бўлсин, ёки икки ҳарф устига ёки ундан кўпроқ ҳарф устига қўйилган бўлсин тенгдир[2]. Масалан:

إنتصرتَ، ففرحنا و نحن بك معجبون – ғалаба қозондинг, хурсанд бўлдик ва сенга қойил қолдик

2,3) Шарт юкламалари ва сўроқ юкламалари. Бу иккаласидан бири бирликдаги исмга изофа бўлмаслик шарти билан турланмайдиган сўзлар таркибига киради. Масалан:

اين توجد أكرمك - Қаерда бўлса ҳам, сени ҳурмат қиламан.

اين أراك ؟ - Сени қаерда кўраман?

Бунга хилоф равишда:

أي خيرٍ تعمله ينفعك - Қайси бир яхши ишни қилсанг сенга фойда беради.

أي يوم تسافر فيه؟ - Қайси куни сафар қиласан?

Бу икки мисолдаги шарт ва сўроқ юкламаси أي бирлик исмга изофа бўлган ва у иккаласи турланадиган сўзлар ҳисобланади.

[1] Араб тилида "исм" деб ўзбек тилидаги от, сифат, сон, олмош сўз туркумлари тушунилади.

[2] www.arabdict.com

4) Кўрсатиш олмошларининг бирлик шакллари. Масалан:

هذا كريم و تلك محسنة. – бу Карим ва анави Муҳсина

Иккиликдаги هذان ва هاتان шакллари эса турланадиган сўз ҳисобланади. Масалан:

هذان كريمان، و هاتان محسنتان

5) Нисбий олмошларнинг бирлик шакллари ва ўзидан кейин жавобга эҳтиёжи бўлган бошқа исмлар. Масалан:

جاءَ الذي يقول الحق – ҳақиқатни айтадиган келди

سافر الذي عندك – сенникидаги сафар қилди.

Бошқа нисбий олмошлардан إذا шарт ҳолини оладиган бўлсак,

إذا تعلمتَ ارتفع شأنك. – Агар илм (таълим) олсанг, ҳурматинг ошади.

Агар فقط، ёки جاء الذي. . . . فقط ёки إذا . . . . في. . . ال فقط. . . . عمله деб айтадиган бўлсак, маъно тугал бўлмайди. Бунга хилоф равишда нисбий олмошларнинг иккилик шакли келишикларда турланувчи ҳисобланади *(Abbas, Hasan., 2004: 20)*. Масалан:

جاء اللذان غايا ، حضرت اللتان سافرتا. – йўқлар келишди, сафар қилган икки қиз келди.

6) أسماء الأفعال – "феълдан ясалган сўзлар" деб гуруҳланувчи сўзлар. Улар замонда, ишда феълга ўринбосарлик қилади. Лекин улар феълга тегишли бўлган белгиларни қабул қилмайди. Унга таъсир қилувчи омиллар кирмайди. Масалан: هيهات القمر، بعُد جدا маъносида, آمين يا رب، إستجب бирикмаси маъносида. Бу икки жумладаги ҳар бир сўз феъл маъносига далолат қиляпти, лекин унинг белгисини қабул қилиши мумкин эмас ва феълга таъсир қилувчи рафъ, насб ва жарр омиллари унга кирмайди *(Abu Bakr Ali Abd al-Alim., 2002:40)*.

Бунга хилоф равишда:

سيراً تحت راية الوطن - Ватан байроғи остида юриш

سماعاً نصيحة الوالد - Отанинг насиҳатига қулоқ солиш

إكراماً للضيف - Меҳмонларга ҳурмат кўрсатиб

Бу гаплардаги (سيراً، سماعاً، إكراماً сўзлари) тўлиқ феъл маъносини ифодалайди ва уларга омиллар кириб таъсир қилиши мумкин. М:

سرني سيرك تحت راية الوطن. - Ватан байроғи остида юришинг мени хурсанд қилди

مدحت سيرك تحت راية الوطن. - Ватан байроғи остида юришингни мақтадим

طربت لسيرك تحت راية الوطن. - Ватан байроғи остида юришингни куйладим

ва бошқалари ҳам худди шундай. Шунинг учун ҳам у турланадиган сўз бўлади *(Hifni Nasif; Diyab,Muhammad; Tamum,Mustafo., 2007:72)*.

7) Мураккаб исмлар. Бунга баъзи сонлар киради. Ўн бирдан ўн тўққизгача бўлган саноқ сонлар доимо фатҳа ҳаракатига ўзгармасдир. Бироқ إثني عشر ва إثنتي عشر бундан мустасно. Бу иккиси иккиликнинг турланишига ўхшаб турланади. Масалан:

نحو: أحد عشر ، تسعة عشر

8) لا инкор юкламасининг эгаси. Бу ҳолат баъзида бўлади. Масалан:

لا نافعَ مكروه – ёмон кўрилган нарсадан манфаат йўқ

9) Ундалма. Агар у бирлик, аниқ ҳолатда ёки қасд қилинган ноаниқ ҳолатда бўлса. Масалан:

يا حامد ساعدْ زميلَك. - Эй Ҳомид, дўстингга ёрдам бер!

يا زميل أشكر صديقك. - Эй ўртоқ, дўстингга раҳмат айт

10) Баъзи бошқа исмлар. Мисол учун كم , баъзи ҳоллар, мисол учун حيث, ва ويه калимаси билан тугаган аниқ ҳолатдаги сўз فعال – вазнида бўлмаса, масалан:

حذام، قطام . . .

Бу иккаласи аёл кишининг исми. Шунингдек жонли овозларни ифодаловчи сўзлар, масалан:

قاق، غاق – қақ, ғоқ.

صاحت الدجاجة قاق. – товуқ "қақ" деб чақирди

نعب الغراب غاق – қарға "ғақ" деб қағиллади

Эслатма: ҳар бир сўзнинг асл бирлигининг ҳаракати ва танвини турланмайдиган сўз бўлади, сўнг аслини тарк этади ва маъносидан гапириладиган аниқ ҳолатга айланади ва ўтган икки ҳукми янги илмийликка айланади. Агар رجلا сўзини أمس деб номласак (унинг маъноси : ҳозирги кундан олдинги кун, унинг ҳукми араб тилида кўпроқ касрага ҳаракатланган бўлган) ёки غاق сўзини оладиган бўлсак (у аслида қарға овозининг исми, унинг ҳукми ҳам касрага ҳаракатланган бўлган). Бу эса номланишдан кейин бу икки калиманинг ҳукми ўзгаргани сабаблидир. Уларнинг иккаласи ҳам аниқ ҳолатга айланади ва аниқ ҳолатдаги исм далолат қилган нарсага далолат қилади, шунинг учун уларнинг ҳукми турланиш ва танвин ҳукмига айланади *(Abbas, Hasan., 2004: 27)*.

Турланмайдиган сўзнинг охири сукунга тугаган бўлиши мумкин, м:

أكتبْ، لمْ،

Ёки сўз охири дамма билан ҳаракатланган бўлади, м: حيثُ، كتبُوا

Ёки сўз охири фатҳа билан ҳаракатланган бўлади, м: كتبَ، أينَ

Ёки сўз охири касра билан ҳаракатланган бўлади, м: هؤلاءِ

Шунинг учун улар фақат "сукун, дамма, фатҳа ёки касра билан турланадиган" (яъни бино қилинган), деб айтилади. Демак турланмасликнинг тўрт хили бор: сукун, дамма, фатҳа, касра *(G'alayiyniy, Mustafo., 2002: 41)*.

Исмлар ва юкламаларнинг охири қайси ҳаракат билан ҳаракатланганини билиш учун махсус қоида йўқ. Улар сўзловчиларнинг сўзларини эшитиш ва ишончли маълумотларга кўра ўрганилади. Улар

дамма, фатҳа, касра ёки сукун билан ҳаракатланган бўлиши мумкин.

Турланадиган сўзларнинг белгилари

Араб тилида сўз флексиясининг тўрт тури бўлиб, улар:

1) Рафъ (бош келишик);

2) Насб (тушум келишиги);

3) Жарр (қаратқич келишиги);

4) Шарт майли (сукун).

Турланадиган сўзнинг охири рафъ نافع العلمُ (бош келишик) , насб رأيت العلمَ نافعاً (тушум келишик) ва жарр إشتغلت بالعلم النافع (қаратқич келишиги) ҳаракатлари билан ўзгаради. Юқорида келтирилган мисолларга эътибор берадиган бўлсак, турланадиган исмлар олдидан турли хил таъсир қилувчи омиллар келиши билан уларнинг ҳаракатлари ўзгариб борди.

Турланадиган феълнинг охири рафъ يكتبُ (дарак майли), насб لنْ يكتبَ (истак майли) ва шарт майли لمْ يكتبْ яъни сукун ҳаракатлари билан ҳаракатланиши мумкин(*(G'alayiyniy, Mustafo., 2002: 47*).

Бундан бизга маълум бўлдики, рафъ (бош келишик) ва насб (тушум келишик) ҳаракатлари исмда ҳам феълда ҳам бўлади, лекин шарт майли (сукун) фақат турланадиган феълга хос бўлса, жарр (қаратқич келишиги) эса фақат турланадиган исмга хос бўлади(*(G'alayiyniy, Mustafo., 2002: 47*). Бу ҳақда рус арабшунос олими В. Гиргас шундай ёзган: Флексия – эъроб деганда сўзларнинг охирги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмлардаги бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди, яъни рафъ – исмларда бош келишикни, феълларда дарак майлини; насб – исмларда тушум келишигини, феълларада истак майлини; жарр – исмларда қаратқич келишигини билдирса, жазм – феълларда шарт майлининг кўрсатгичи ҳисобланади. Флексия ҳақидаги илм араб грамматик тизимининг оригиналлигини таъкидлайди. *(Girgas,V.,1973:138)*

Турланадиган исмларнинг белгилари ҳаракат, ҳарф ёки ҳазф қилиш (яъни тушуриб қолдириш) билан ифодаланади. Ҳаракатлар учта бўлади: дамма, фатҳа ва касра. Турланишни ифодаловчи ҳарф тўртта бўлади:

الالف، النون، الواو، الياءُ

Ҳазф бу –а) ҳаракатнинг тушириб қолдирилиши (сукун деб номланади), б) сўз охирининг тушуриб қолдирилиши в) "нун"нинг тушуриб қолдиришидир.

1. Бош келишикнинг тўртта аломати бор:

- дамма (الضمة) – "у" белгиси

يحب الصادقُ – Содиқ яхши кўради

- вов(الواو) ҳарфи

أفلح المؤمنونَ – иймон келтирганлар нажот топдилар

- алиф (الالف) ҳарфи

لينفقْ ذو سعةٍ من سعته – бой болигидан инфоқ қилсин

- нун (النون) ҳарфи

يكرمُ التلميذان المجتحدان – икки тиришқоқ ўқувчи ҳурмат қилинади

تنطقون بالصدقِ – рост гапиряпсизлар

2. Тушум келишигининг бешта аломати бор:

- фатҳа (الفتحة) – "а" белгиси

- алиф (الالف) ҳарфи

-йай (الياء) ҳарфи

- касра (الكسرة) – "и" белгиси

- нун ҳарфининг тушириб қолдирилиши(حذف النون).

Нун ҳарфи - сўз тушум келишигида ёки сукун ҳолатида бўлганда; ҳозирги замон феълига бирлик, биринчи шахс қўшимчаси қўшилиб келганда; кўплик вови ёки иккилик алифи қўшилиб келганида тушиб қолади М:

جانب الشر فتسلمَ - Ёмонликдан узоқлашди ва таслим бўлди

أعطِ ذا الحق حقهُ - Ҳақдорнинг ҳаққини бер

يحب اللهُ المتقين - Аллоҳ тақводорларни яхши кўради

أكرمِ الفتياتِ المجتهداتِ - Тиришқоқ ўспирин қизларни ҳурмат қил

لنْ تنالوا البر حتي تنفقوا مما تحبون - Яхши кўрган нарсангизни инфоқ қилмагунингизча яхшиликка етолмайсизлар. *(Фуад, Неъмат., 1973:55)*

3. Қаратқич келишигининг учта аломати бор:

- касра (الكسرة) – "и" белгиси

تمسكْ بالفضائلِ – яхши фазилатларга эга бўл

- йай (الياء) ҳарфи

أطع أمرَ أبيك – отангнинг буйруғига итоат қил

- фатҳа(الفتحة) – "а" белгиси

المرءُ بأصغريه: قلبه و لسانه – киши қалби ва тили билан кичик бўлади, (яъни қалби болаларча тоза ёки беғубор ва тили болаларча ширин маъносида)

4. Жазмнинг учта аломати бор:

сукун "ْ" – (السكون)белгиси

من يفعلْ خيراً يجد جيراً – ким яхшилик қилса, яхшилик топади

сўз охирининг тушиб қолиши (حذف الآخر)

لا تدعُ إلا الله – фақат Аллоҳга дуо қил

нун ҳарфининг тушиб қолиши (حذف النون)

قولوا خيراً تغنموا، واسكنوا عن شر تسلموا

Машҳур араб наҳвшунос олим Аббос Ҳасан ўзининг النحوالوافي асарида турланиш ва турланмасликнинг турлари ва белгиларини қуйидагича шарҳлайди:

Турланишнинг аслий бўлиб, уларнинг ўрнига ишлатиладиган фаръий турлари ҳам бор.

Аслий турлари 4 та:

I. Сукун. У учта сўз туркумига киради:

1) Исмда бўлади, м:مَن, كَمْ

2) Юкламада бўлади, м: قَدْ, هَلْ

3) Феълнинг 3та турида бўлади: а) бирликнинг ва кўпликнинг биринчи шахс, шахс- сон қўшимча-

ларининг ўтган замон феълига бирикиб келиши (نا التاء ، муан.) Масалан: حضرْتُ

ت нинг фатха, дамма ва касра билан келиши, м: حضرْنَ، حضرنا.

б) уч ўзакли тўғри феълнинг буйруқ майли, м: اكتبْ، اجلِسْ

в) муаннаслик нуни бириккан ҳозирги - келаси замон феъли, м: الطالباتُ يتعلمْن يعملْنَ *(Abbas, Hasan., 2004: 34)*

II. Фатҳа. У ҳам учта сўз туркумига киради: 1. Исмда бўлади, м: أينَ، كيفَ. 2. Юкламаларда бўлади, м: ثمَّ سوفَ. 3. Феълнинг 3 хил турида бўлади: а) Ўтган замон феълининг биринчи боби м: نصرَ، كتبَ. б) Охирида таъкид нуни келган буйруқ феъли в) ҳозирги - келаси замон феъли *(Abbas, Hasan., 2004: 35)*, м:

والله لأسافرَن في طلب العم. - Аллоҳга қасамки, илм талабида сафарга чиқаман

سافرن يا زميل في طلبِ العم. - Эй дўст, илм талабида сафарга чиқ

III. Дамма. У юклама ва исмга киради, феълга эмас. Исмга мисол: حيثُ- унда дамма кўриниб турган ва тақдирий ҳам бўлиши мумкин, м:"سيبويهِ"- сўзи мурожаат пайтида: "يا سيبويهِ"- у лафзан касра билан ҳаракатлантирилган ва даммага тақдирий қилинган. Юкламага мисол: "منذُ".

Ўтган замон феълининг охиридаги даммага келсак, الأبطال حضرُفا- мисолида, у боб муносабатини кўрсатувчи даммадир.

IV. Касра. У исм ва юкламага киради. Исмга мисол: هؤلاءِ. Юкламага мисол: بِكَ – даги باءٌ.

Аслий белгилар ўрнига келадиган фаръий аломатларнинг энг машҳурлари 5 та. Улар: 1. Охири иллатланган феълнинг буйруқ майли шаклида охиридаги касал харфнинг тушуриб қолдирилиши сукунга ўриндош бўлади, м: ارمِ، اخشَ. Буйруқ майли иккилик сонда феълидаги нунни тушуриб қолдирилиши ҳам сукунга ўриндош бўлади ёки кўплик вовини ёки мухотаба йой-ни *(G'alayiyniy, Mustafo., 2002: 65*). М: اكتبا، اكتبُوا، اكتبي.

2. لا– инкор юкламаси тушган муаннас тўғри кўпликда фатҳа ўрнига касра ўриндош бўлади, масалан: لا مهملاتِ هُنَا .

Турланмайдиган музаккар тўғри кўплик ва турланмайдиган иккиликда الياء- фатҳага ўриндош бўлади. Агар уларнинг бирида لا - инкор юкламаси келса *(Abu Bakr Ali Abd al-Alim., 2002:56)*, масалан: لا غَائِبَيْنِ، لاَ غَائِبِينَ

3. Турланмайдиган иккиликда алиф ҳарфи, агар нидо қилинган битта атоқли сўзнинг ўзи бўлса, даммага ўриндош бўлади, м: يا محمدَانِ ёки қасд қилинган ноаниқ ҳолатдаги сўз бўлса, м: يا واقفانِ اجلسا.

Агар турланмайдиган музаккар тўғри кўпликда нидо қилинган битта атоқли сўзнинг ўзи бўлса[3] дамма "вов" ҳарфига ўриндош бўлади, м: يا محمدون.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, турланмайдиган сўзда касрага ҳеч нарса ўриндош бўлмайди. Сукунга иккита нарса ўриндош бўлади, фатҳага ҳам, даммага ҳам ҳудди шундай. Шунингдек, биламизки, дамма ва касра белгиси исм ва юкламада бўлади, феълда бўлмайди.

НАТИЖА

Биз юқорида араб тилидаги турланмайдиган сўзларнинг асосий белги ва хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида турланадиган сўзларнинг белги-хусусиятлари ўз ўзидан намоён бўлиб қолди. Демак, турланишнинг 4 тури бор:

1-рафъ. У исм ва ҳозирги - келаси замон феълига тегишли, м: سعيدٌ يقومُ

2-насб. У исм ва ҳозирги - келаси замон феълига оид, м:

إنَّ العزيزَ لَنْ يقبلَ الهوانَ - Ҳақиқатдан ҳам Азиз лаганбардорликни қабул қилмайди.

إنَّ الشريفَ لَنْ يُقدمَ عَلَي صغَار - Ҳақиқатдан ҳам Шариф кичикларга бермайди.

3-жарр. Фақат исмга тегишли, масалан:

باللهِ أستعينُ فِي كلِّ أمرٍ. - Ҳар бир ишда Аллоҳдан ёрдам сўрайман.

4-жазм. Фақат ҳозирги келаси замон феълига тегишли *(Abbas, Hasan., 2004: 36),* м:

لَمْ أتأَخرْ عن إجابةِ الصارخِ - Чақирувчининг жавобидан кечикмадим.

Демак рафъ ва насб ҳаракати феъллар ва исмларга оид, жарр исмга хос, жазм эса ҳозирги келаси замон феълига тегишли экан.

Бу тўрт турнинг аслий аломатлари бўлиб, фаръий аломатлар унга ўриндош бўлади. Аслий аломатлар 4та, улар: дамма рафъ ҳолатда, фатҳа насб ҳолатда, касра жарр ҳолатда, сукун (яъни ҳаракатсиз бўлганда) жазм ҳолатда. Рафъ ҳолатдаги гапга سعيدٌ يقومُ- мисолидаги سعيدٌ сўзи марфуъ, унинг рафъ аломати дамма, насб ҳолатидаги гапда انّ عَلِيّا لنْ يُسافِرَ мисолида феъл мансуб, унинг насб аломати фатҳа, мажрурда эса унинг жарр аломати касра. Шарт майлида эса унинг жазм аломати сукундир.

Ўша аслий аломатларга ўриндош бўладиган фаръий аломатларга келсак, улар 10та, баъзида фаръий ҳаракат аслий ҳаракатга ўриндош бўлади, баъзида эса охирги ҳарф аслий ҳаракатга ўриндош бўлади, баъзида 3-ҳарфнинг тушуриб қолдирилиши сукунга ўриндош бўлади (сукун ҳолатидаги ҳозирги келаси замон феълининг охиридаги касал ҳарфи ҳам тушуриб қолдирилади, шунингдек бешта феълнинг сукун ҳолатидаги нуни ҳам тушуриб қолдирилади) *(Grande, B.,1998:435).*

Ўриндошлар тушадиган ўринлар 7та бўлиб, "ўриндош турланишларнинг боблари " деб номланади, улар қуйдагилар:

[3] http://www.drmosad.com/index33.htm

1. Олтита исм.
2. Иккилик.
3. Музаккар тўғри кўплик.
4. Муаннас тўғри кўплик.
5. Турланмайдиган исм.
6. Бешта феъл.
7. Охирги иллатли ҳозирги келаси замон феъли*(G'alayiyniy, Mustafo., 2002: 68*).

Асосий қисмларга ўриндош ўнта иккинчи даражали қисм қуйидагича якунланади:

1. Даммага учта ҳарф ўриндош бўлади, улар: النون، الألف، الواو
2. Фатҳага тўрт нарса ўриндош бўлади, улар: حذف النون، الياء، الألف، الكسرة
3. Касрага иккита нарса ўриндош бўлади, улар: الياء، الفتحة
4. Сукунга ҳарфнинг тушуриб қолиши ўриндош бўлади. Бунга сукунли иллатланган ҳозирги - келаси замон феълининг охиридаги касал ҳарф, сукунланган бешта феълнинг охиридаги нуннинг тушиб қолиши мисол бўлади *(G'alayiyniy, Mustafo., 2002: 69*). Юқоридаги гаплардан кўриниб турибдики, аслий аломатларга ўриндош бўлиб келадиган фаръий аломатлар ҳам мавжуд экан.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, исмлар ва юкламаларнинг охири қайси ҳаракат билан ҳаракатланганини билиш учун махсус қоида йўқ. Улар сўзловчиларнинг сўзларини эшитиш ва ишончли маълумотларга кўра ўрганилади. Бундай сўзлар дамма, фатҳа, касра ёки сукун билан ҳаракатланган, яъни мавжуд тўрт ҳаракатдан бирортасида собит бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Akmalxonov, Akmalxon (2020) On the words not inflected for cases by Abu Ya'kub Sakkokiy. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA. 2020 (2), 543-547
2. Арипова, З. Д. (2019). «АРАБ ТИЛИДА СУРОҚ ГАПЛАР» МАВЗУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Современное образование (Узбекистан), (1 (74)). https://cyberleninka.ru/article/n/arab-tilida-suro-gaplar-mavzusini-musta-kamlashda-yangi-pedagogik-tehnologiyalardan-foydalanish
3. Белкин В. (1961) Арабская лексикология. – М.:Наука.
4. Гранде Б.М.(1998) Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освящении. -М.: Вост. Лит.
5. Гиргас В. (1873) Очеркъ грамматической системы арабовъ. –СПб.
6. Иброҳимов Н, Юсупов М.(2009). Араб тили грамматикаси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
7. Islomov, Zohidjon (2019) «SOURCE STUDIES ANALYSIS OF MANUSCRIPTS OF "MUQADDIMATU-LADAB" IN FOREIGN ARCHIVAL FUNDS,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 41. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/41
8. Ismailova, Yulduz (2020) "CROSS-LANGUAGE PHONETIC INTERFERENCE IN LEARNING THE ARABIC LANGUAGE," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/7
9. Ismailova, Y. A. (2019). The use of interactive methods in teaching students professional-oriented reading. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 209-213.
10. Kazakbaev, Akbar (2020) "THE PROBLEMS AND METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES," *The Light of Islam*: Vol. 2020 :Iss.2,Article8.Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/8
11. Матибаева, Р. Б. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74.
12. Raziya B. Matibayeva, Zohidjon Islomov (2020) «RELATIONSHIP OF RELIGION AND TRADITION IN CENTRAL ASIA». International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Revieved Open Access International Journal, Vol 09 Issue 12, Dec 2020, ISSN 2456-5083, P.92-96.
13. NASIROVA, Malika (2020). "SEMANTIC CLASSIFICATION OF AUXILIARY VERBS IN ARABIC LANGUAGE". The Light of Islam:Vol.2020:Iss.3,Article15.Availableat: https://uzjournals.edu.uz/iiau/ vol 2020/ iss 3 / 15
14. NASIROVA, Malika (2019). "Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr`s linguistic school" The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss.1,Article15.Availableat: https://uzjournals.edu.uz/iiau/ vol 2019/ iss 1 / 15
15. Nig'monov Mr, A. (2020). RHYTHMIC-SYNTACTIC PARALLELISMS IN OLD TURKIC POETRY (BY EXAMPLE OF EXTRACT FROM "DEVON LUGATI-T-TURK"). The Light of Islam, 2020(1), 185-191.
16. Rustamiy, S. (2020). MAHMUD KOSHGARIY'S VIEWS ON FONETIC, GRAPHIC AND MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF TURKIC LANGUAGES. The Light of Islam, 2020 (2), 37-44.
17. Sagdullaeva, Dilfuza (2020). "ANALYSIS OF ARABIC COLLOCATION IN THE WORK OF "KYSASI RABGHUZI", "*The Light of Islam"*: Vol. 2020 : Iss. 1, Article 25. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/25
18. Қосимова,Сарвиноз. Анъанавий араб грамматикаси ва европа йўналишида амалга оширилган ишлар. Шарқшунослик. 2019. №4.
19. Қосимова, Сарвиноз. Ҳамидуддин Даририйнинг "Муқаддима" асарида эъроб масаласи. Шарқшунослик. 2010. №2.
20. القاهرة.أبو بكر على عبد العليم . دروس في الاعراب– 2002 240 ص.
21. 2014. أبو بكر على عبد العليم. مكتبة الأسرة في النحو. القاهرة.
22. أنطون الدحدح .معجم القواعد العربية العالمية. –لبنان, 1992

23. عباس حسن. النحو الوافي. – مصر.2004,- ص.147
24. الدروس النحوية. - مصر.2007 حفنى الناصف .
25. لويس معلوف. المنجد فى اللغة و العالم. بيروت. الدار المشريق. 2005.
26. محمود الزمخشرى. المفصل فى صنعة الاعراب.- مصر. 2012.- ص. 359
27. مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت. 2002.- ص. 331
28. فؤاد نعمة . ملخص قواعد اللغة العربية.- مصر. -1987 ص.214
29. فاضل صالح السامرائي أبو البركات بن الأنباري و دراياته النحوية. بيروت. 2016 –ص. 325
30. السيد خليفة .الكافي في النحو. –مصر.: دار التقوى . 2013. - ص. 642
31. www.arabdict.com
32. www.drmosad.com
33. www.al-ahram.org
34. www.al-axbar.org

REFERENCES:

1. Akmalxonov, Akmalxon (2020) On the words not inflected for cases by Abu Ya'kub Sakkokiy. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA. 2020 (2), 543-547.
2. Арипова, З. Д. (2019). «АРАБ ТИЛИДА СУРОҚ ГАПЛАР» МАВЗУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Современное образование (Узбекистан), (1 (74)). https://cyberleninka.ru/article/n/arab-tilida-suro-gaplar-mavzusini-musta-kamlashda-yangi-pedagogik-tehnologiyalardan-foydalanish
3. Belkin V. (1961). Arabckaya leksikologiya –Moskva
4. Grande B.M. (1998) Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osvyashenii. - Moskva.
5. Girgas V. (1873) Ocherk grammaticheskoy sistemi arabov. -SPb.
6. Ibrohimov N., Yusupov M. (2009) Arab tili grammatikasi –T.: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi davlat nashriyoti, 1-jild.
7. Islomov, Zohidjon (2019) «SOURCE STUDIES ANALYSIS OF MANUSCRIPTS OF "MUQADDIMATU-LADAB" IN FOREIGN ARCHIVAL FUNDS,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 41. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/41
8. Ismailova, Yulduz (2020) "CROSS-LANGUAGE PHONETIC INTERFERENCE IN LEARNING THE ARABIC LANGUAGE," *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss.2, Article7.Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/7
9. Ismailova, Y. A. (2019). The use of interactive methods in teaching students professional-oriented reading. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 209-213.
10. Kazakbaev, Akbar (2020) "THE PROBLEMS AND METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 8. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/8
11. Матибаева, Р. Б. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74.
12. Raziya B. Matibayeva, Zohidjon Islomov (2020) «RELATIONSHIP OF RELIGION AND TRADITION IN CENTRAL ASIA». International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Revieved Open Access International Journal, Vol 09 Issue 12, Dec 2020, ISSN 2456-5083, P.92-96.
13. NASIROVA, Malika (2020). "SEMANTIC CLASSIFICATION OF AUXILIARY VERBS IN ARABIC LANGUAGE". The Light of Islam:Vol.2020:Iss.3,Article15.Availableat: https://uzjournals.edu.uz/iiau/ vol 2020/ iss 3 / 15
14. NASIROVA, Malika (2019). "Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr`s linguistic school" The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss1/15
15. Nig'monov Mr, A. (2020). RHYTHMIC-SYNTACTIC PARALLELISMS IN OLD TURKIC POETRY (BY EXAMPLE OF EXTRACT FROM "DEVON LUGATI-T-TURK"). The Light of Islam, 2020(1), 185-191.
16. Rustamiy, S. (2020). MAHMUD KOSHGARIY'S VIEWS ON FONETIC, GRAPHIC AND MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF TURKIC LANGUAGES. The Light of Islam, 2020 (2), 37-44.
17. Sagdullaeva, Dilfuza (2020). "ANALYSIS OF ARABIC COLLOCATION IN THE WORK OF "KYSASI RABGHUZI", "*The Light of Islam"*: Vol. 2020 : Iss. 1, Article 25. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/25
18. Qosimova, Sarvinoz. An'anaviy arab grammatikasi va evropa yo'nalishida amalga oshirilgan ishlar. Sharqshunoslik. 2019 № 4.
19. Qosimova, Sarvinoz. hamiduddin Daririyning "Muqaddima" asarida e'rob masalasi. Sharqshunoslik. 2010 № 2.
20. Abu Bakr Ali Abd al-Alim (2002). Maktabat al-usrati fi an-nahv.-Al-Qohira.: Dar al-G'ad al-jadid. (in arabic)
21. Abu Bakr Ali Abd al-Alim (2002). Durus fi an-nahv li at-tullab va al-muallimiyn. .-Al-Qohira.:maktabat al-Qur'an. (in arabic)
22. Antuan el-Dahdah (1992). Mujam qavaid al-arabiyya al-alamiyya. -Lubnan. (in arabic)
23. Abbas Hasan (2004). An-nahv al-vafi. -Misr. (in arabic)
24. Nasif, Hifni, Mahammad Diyab, Mustafa Tamum(2007). Ad-Durus an-nahviyya. –Misr.: Dar al-aqiyda. (in arabic)
25. Ma'luf, Luis. (2005) Al-Munjid fi allugat va al-a'lam. -Bayrut.:dar al-mashriq, 2005. (in arabic)
26. Mahmud az-Zamahshariy (2013). Al-Mufassal fi san'ati al-i'rab.-Al-Qohira. (in arabic)
27. Mustafo al-G'alayiyni (2001). Jami' ad-durus al-arabiyya.-Al-Qohira.: Al-maktaba al-asriyya. (in arabic)
28. Fuad, Ni'mat (1973). Mulahhas qavaid al-lagati al-arabiyyati.- Misr.: Nahda.
29. Fadil Solih as-Samiraniy (2016). Abu al-Barakat ibn al-Anbariy va dirasatuhu an-nahviyya.-Bayrut, Lubnan. (in arabic)
30. As-Sayyid Xalifa, Tahir Sulayman(2013). Al-Kafi fi an-nahv. –Al-Qohira.: Dar al-taqva. (in arabic)
31. www.arabdict.com
32. www.drmosad.com
33. www.al-ahram.org
34. www.al-axbar.org